O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 19 ноябрь, № 239 (3514) Жума

26 декабрь
Халқ. Демократия. Сайловлар

Мустақил юртнинг мустақил номзодлари

Бугун мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида каттаюкичик — ҳамма сайлов руҳи билан яшамоқда. Радио мурватини бурасанг ҳам, телевизор пультини боссанг ҳам, газеталар тахламларини варақласанг ҳам ана шу мавзудаги суҳбатларга дуч келасан. Жойларда эса кунда ва кунаро оддий учрашувлардан тортиб халқаро семинарларгача ўтказилмоқда. Сайлов қонунчилиги ана шундай мунозараларда атрофлича ўрганилмоқда, аҳолининг кенг қатламига ҳам чуқур сингиб бораётир. Эндиликда «ташаббускор гуруҳ» деган ибора янги бўлмай қолди. Бу иборани эшитишимиз билан сайлов ва унга дахлдор бўлган бошқа жараёнлар кўз ўнгимизга келади. Гарчанд шундай бўлса-да, биз унинг сайлов қонунчилигидаги изоҳига тўхталишни лозим топдик. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида «Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин», дейилади.

Хўш, биз нега бугун айнан ташаббускор гуруҳлар ҳақида сўз очмоқдамиз. Негаки, кеча Ўзбекистон Миллий университети, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида халқаро бизнес марказида ўтказилган «Сайловларни ўтказиш жараёнида ташаббускор гуруҳларнинг фаолияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ана шулар ҳақида гап борди.

Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари, дипломатик миссияларнинг раислари, Буюк Британия, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Польша, Россия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг сайлов қонунчилиги соҳасидаги мутахассислари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, АҚШнинг Миллий демократия ва халқаро республикачилар институти, К. Аденауэр ва Ф. Эберт (ГФР) жамғармалари ваколатхоналари экспертларининг маърузалари ҳам тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А. Саидов мамлакатимизда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари институтининг ташкил этилиши, шаклланиши ва

(Давоми 2-бетда).

Сифат — бош мезон

Пойтахтимиздаги "ПГС" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини мева ва сабзавотларни қуритиш ускуналари ишлаб чиқаришдан бошлаган эди. Бугунга келиб у салоҳияти юксак корхоналар қаторидан ўрин эгаллади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган йиғирма турдан зиёд электр-техник жиҳозлар нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларини эгаллашга ҳам улгурди. Сифатли, арзон, устига-устак чиройли кўринишга эга бўлган кичик новвойхоналар, мева-сабзавот қуритиш мосламалари каби электр-техник ускуналар кимларнинг эътиборини тортмайди, дейсиз.

— Ҳозирда Украина, Россия, Қозоғистон сингари бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам маҳсулотларимизга харидор сероб, —дейди директор ўринбосари А. Иванников. —Айни пайтда буюртмаларни ўз вақтида, сифатли бажаришга интиляпмиз.

СУРАТДА: электр пайвандчи Александр Икромов иш устида.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лора Кеннеди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик, хусусан Афғонистондаги вазият билан боғлиқ, шунингдек, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАГИ УЧРАШУВ

АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лора Кеннеди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан мулоқот чоғида мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловларнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилинган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл иштирок этди.

(ЎзА).

Дўстлик оқшоми

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА). Республика Байналмилал маданият марказида ўтган дўстлик оқшомида юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Т.Алимов, Туркман миллий маданият маркази раҳбари О.Қурбонов юртимизда миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва тинчлик-тотувликни янада мустаҳкамлаш алоҳида эътиборда эканлигини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган.

Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни таъминлашда миллий маданият марказларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Туркман миллий маданият маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар бунинг далилидир.

Учрашувда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С.Пирмуҳамедов иштирок этди.

Сўз — Халқаро анжуман иштирокчиларига

Демократиянинг муҳим ютуғи

Чанг ХУН, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги собиқ элчиси:

— Бизда демократик тамойилларни амалда татбиқ этишга ўтган асрнинг эллигинчи йилларида киришилганди. Босқичма-босқич ислоҳот натижасида жамиятимизда демократия бобида катта тажриба тўпланди. Лекин, тан олиб айтишим керак, жараён оғир ва муросасиз қурашлар остида ўтган. Халқимиз ўтиш даврига хос муаммоларни икки палатали парламент барпо этишда ҳам бошидан кечирганлигини айтмоқчиман. Хусусан, парламент шаклланишида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг иштироки масаласи турли тортишувларга сабаб бўлган.

Албатта, сайлов қонунчилигида ҳар бир давлат ўзига хос йўл танлайди. Мамлакатингиз сиёсий ҳаёти, сайловлар жараёни ҳақида гапирганда эса демократик жамият қуриш сари интилаётганларингиз қувонарли. Айниқса, сайловларда номзодлар кўрсатишда белгиланган меъёрлар халқаро андозаларга мос келади. Мамлакатингизнинг ўн уч йиллик мустақил ҳаётини назарда тутганда демократия тўла қарор топиши учун бу нисбатан қисқа муддат ҳисобланади. Шу боис демократик жамиятнинг муҳим институтларидан бўлган парламент сайловларида муваффақиятлар тилайман.

Давид ШЕХТЕР, Исроил давлатининг Қуддус ва этник жамоалар бўйича вазир маслаҳатчиси:

— Мен мутахассис сифатида айтсам, сайловолди жараёнида мана шундай халқаро анжуманлар ўтказиш демократик жамият қуришда муҳим тадбир ҳисобланади. Шундай анжуманларда халқаро тажрибалар ўрганилаётганлиги, айниқса, халқаро экспертлар иштирокида тажриба, фикрлар алмашиш фойдадан холи эмас. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги анжуманнинг эркин, ўзаро баҳс-мунозара тарзида ўтиши демократияга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатни кўрсатади.

Мустақил ташаббускор гуруҳларнинг номзодлар кўрсатиш амалиёти мамлакатда демократияни ривожлантириш учун муҳим деб ўйлайман. Чунки бунда аҳолининг парламент ишларида бевосита қатнашиши учун вакиллар юбориш имконияти кенгаяди. Аммо, фикримча, сиёсий жараёнда иштирок этиш учун шундай гуруҳлар кўрсатган номзодлар жуда кўпайиши ҳам табиий ҳол деб бўлмаса керак. Негаки, агар шундай ҳол кузатилса, парламент ишида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш эҳтиёжи ортади. Айни пайтда мустақил ташаббускор гуруҳларни демократик сиёсатнинг муҳим ютуғи деб баҳолаш керак.

«Халқ сўзи» мухбирлари Х. ЭШМАНОВ ва С. ДОНИЁРОВ ёзиб олди.

«Сайлов — 2004: электрон маълумотнома»

Тошкент давлат юридик институти олим ва мутахассислари "Сайлов 2004: электрон маълумотнома" мультимедиа вариантини ўзбек ва рус тилларида тайёрлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги икки палатали парламент тизимини шакллантиришнинг устувор масалаларига бағишланган маърузаси билан очилади.

Маълумотномада сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва сайловчиларнинг овоз бериш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишончли вакил ва кузатувчилар мақомига оид маълумотлар берилган.

Электрон маълумотномага Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари уларга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан жойлаштирилган. Мультимедиани ишлашда чиройли дизайн ва овоз эффектларидан унумли фойдаланилган.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА мухбири.

Кураш

Миллатимиз фахри саналмиш кураш йилдан йилга дунё спортчилари ва мутахассислари эътирофига сазовор бўлмоқда. Нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам турли халқаро мусобақалар, жаҳон чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинаяпти.

Санто Доминго дунё алпларини кутмоқда

Поёнига етаётган 2004 йилнинг сўнгги ойлари ҳам кўплаб кураш мусобақаларига бой бўлади. Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматининг хабар беришича, 24-25 ноябрь кунлари Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида курашимизнинг ҳар икки йўналиши бўйича шу юрт фарзанди, ўз меҳнатлари ва тантилиги билан халқ кўнглидан жой олган Ҳайит полвон таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан мусобақа ташкиллаштирилади. Декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида шу йил ўтказилган Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилган юрт Грециянинг Салоники шаҳрида 4-Европа чемпионати бўлиб ўтса, 16-20 декабрь кунлари беш қитъанинг 70 дан зиёд давлатлари алплари беллашадиган 5-жаҳон чемпионати Доминикан Республикаси пойтахти Санто Доминго шаҳрида ўтказилади.

Айни кунларда полвонларимиз ана шу нуфузли мусобақаларга ҳозирлик кўришаяпти.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Грант шартномаси имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Жаҳон банки, Швейцария ҳукумати ва ЮНИСЕФ жамғармаси томонидан тақдим этиладиган қиймати 2,8 миллион долларга тенг грант шартномаси имзоланди.

Мазкур грант Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан оилада тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод туғилиши ва тарбиясига оид устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли дастурни қўллаб-қувватлаш доирасида ажратилди.

Ушбу грант маблағи республикамизнинг 34 йирик ун комбинатида таркиби темирга бой бўлган моддалар (В1, В2 витаминлари, фолия кислотаси, темир, қўрғошин ва бошқа қўшимчалар) билан унни тўйинтириш учун лаборатория ва технологик ускуналар етказиб беришга сарфланади. Шунингдек, мазкур ун комбинатларини уч йил давомида таъминлаш учун етарли бўлган қўшимчалар (премикслар) етказиб берилади.

Лойиҳа Осиё тараққиёт банки томонидан "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг 14 та ун комбинатида 2002 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган, қиймати 1,2 миллион долларга тенг ана шундай лойиҳанинг давомидир.

Темир моддасига бой бўлган озиқ-овқат қўшимчалари билан тўйинтирилган ун инсон организмида элементлар танқислигининг олдини олади. Бундай элементларнинг организмда етишмаслиги қон касаллигига ва умуман соғлиқнинг ёмонлашувига олиб келади.

Шундай қилиб, 48 та ун комбинатида ишлаб чиқариладиган ун халқаро стандартларнинг барча талабларига жавоб беради, айни чоғда ўзининг мазаси ва сифатини сақлаб қолади. Тўйинтирилган унни ишлаб чиқаришга кетадиган бошқа қўшимча сарф-харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Мутахассисларнинг фикрича, лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар ҳамда болалар орасида камқонлик даражасини сезиларли даражада пасайтиришга ва бутун аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

(ЎзА).

Кутубхоналар ахборот асрида

Мамлакатимизда "Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш" мавзуидаги учинчи халқаро конференция иш бошлади.

Анжуман Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, республика Кутубхоналар ассоциацияси, Тошкент давлат авиация институти ва бошқа тегишли муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Россия, Швеция, Англия, Янги Зеландия, Голландия, Германия сингари давлатлардан ташриф буюрган ва юртимизда фаолият кўрсатаётган 200га яқин шу соҳанинг етакчи мутахассислари қатнашмоқда.

Кеча Авиация институтида конференциянинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, ассоциация раиси Абдусалом Умаров очди.

— Мазкур халқаро анжуманнинг учинчи бор юртимизда ўтказилиши бежиз эмас, — дея таъкидлаб ўтди у. — Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик соҳасида ҳам ўрганса арзигулик ишлар амалга оширилди. Аниқроғи, беш-ўн йил илгари биз хорижлик ҳамкасбларимиздан иш ўрганган бўлсак, бугунги кунда оз фурсатда тўпланган катта тажрибамиз билан ўртоқлашмоқдамиз. Мазкур анжуман электрон ахборот ресурслари, Интернетнинг кутубхона тизимини яратиш ва фойдаланиш ишларида яхши самара бериши, шубҳасиз.

«CENTRAL ASIA — 2004»

Конференция иштирокчилари "Электрон кутубхоналар ва электрон дарсликлар", "Кутубхона-ахборот инфратузилмасининг ривожланишида янги ахборот технологиялари", "Мактаб кутубхоналари", "Ахборот технологиялари ва кутубхоначилик иши соҳасида кадрлар тайёрлашнинг илғор усуллари ва тизимлари" деб номланган тўртта секцияга бўлиниб, иш олиб боришмоқда.

Нуфузли конференция қатнашчилари анжуман давомида юртимизда чоп этилган китоблар кўргазмаси билан танишадилар. Ўзбекистон ва етакчи чет эл компаниялари томонидан яратилган EBSCO, ProQuest, INASP ва миллий илмий-таълимий электрон ресурслар, жумладан, электрон кутубхоналар фаолияти ва электрон дарсликлардан фойдаланиш жараёнлари билан яқиндан танишадилар, турли семинарлар уюштирадилар. F. Нарзуллаевнинг "Ўзбекистон кутубхоналарининг муаммолари ва тараққиёти", А. Муҳаммадиевнинг "Электрон кутубхоналар яратиш муаммолари", М. Свочкиннинг "MARCнинг Ўзбекистон Республикасидаги ўрни ва роли", О. Кавачинскаянинг "Америка академик кутубхонаси тажрибаси", Рид Энтонининг "Мактабларнинг ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш муаммолари" мавзуидаги маърузалари семинарларда муҳокама қилинадиган энг долзарб мавзуларга бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, анжуман қатнашчиларининг кўпчилигини чет эллик ҳамкасблар тажрибаси билан танишиш истагида бўлган Марказий Осиё кутубхоначилари ташкил этади. Зеро, маърузачилар қаторида Мартин Бельчер (Швеция), Оливер Обст (Германия) каби таниқли мутахассисларнинг борлиги конференциянинг юқори савияда ўтишини таъминлаши, шубҳасиз.

Халқаро анжуман 21 ноябргача давом этади.

С. МУҚИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

26 декабрь
Халқ. Демократия. Сайловлар

Депутат шундай бўлсаки...

Инсоннинг табиати қизиқ. Бирор ишни бошқалардан кўра ўзим қойил қиламан, деб ўйлайдиган одамлар, ишонсангиз, кўп учрайди. Умрида тўртта одам олдида бир гапни эплаб гапиролмайдиган зот минбардаги воизга қараб «Нутқи унчалик эмас экан-а» деб қўйиши мумкин.

Депутатлар сайлови арафасида ўз номзодини парламентга кўрсатишни хоҳлаган одамлар кам эмас. Агар ундайлардан «Сайланганингиздан кейин фаолиятни қандай тасаввур қиласиз?» деб сўрагудек бўлсангиз, «Кўряпмиз-ку, сессия залида овоз беришдан осони борми?» деб юзаки фикрлашади. Четдан қараганда, депутатлик «чангсиз» юмуш, ҳаммаси сип-силлиқ кетаверадигандай. Аслидачи?

Айтайлик, бир депутатнинг елкасида қанча юк борлигини тасаввур қилиш мумкинми? Қонун амалда ҳеч кимни депутатликка номзод бўлишдан тақиқламайди: маҳаллий кенгашларга сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Лекин халқ номидан иш кўрадиган, вақти келса, халқнинг тақдирини ҳал қиладиган одам муносибларнинг муносиби бўлиши керак. Янгиланган парламентда қуйи палатадаги ўринлар сони 120 та. Ёки ҳар 120 минг сайловчи номидан бир киши Олий Мажлисда вакил. Мен шу пайтгача бир депутат Қонунчилик палатасида ўз округидаги жами сайловчилар фикрини ифода этади, деб ўйлардим. Йўқ, адашган эканман. Олий Мажлис XV сессиясида Президентимиз чиқишларидан кейин англадимки, парламентга сайланган ҳар битта депутат ўзи вакил бўлган ҳудуди миқёсида эмас, балки яхлит мамлакат манфаатларини кўзлаши керак экан. Сезиб турибман, баъзилар менга эътироз билдириб «Ахир минтақаларнинг ўзига хос талаби, эҳтиёжи ҳам бор-ку, уни ким ўйлайди?» деган саволни бериши мумкин. Тўғри, юртимизнинг бирор бўлагида ишни юриштирсак, пировардида бутун Ватан манфаатини кўзлаган бўламиз. Масалага бу жиҳатдан ёндашиш эса ҳар бир ҳудуддан тенг миқдорда сайланган сенаторларнинг вазифаси.

Қонунчилик палатасининг депутати эса муттасил жамиятни бошқаришда ва тартибга солишда муҳим восита саналмиш ҳужжат — қонун ижод қилиш билан банд бўлади. Қонунлар қайси соҳаларга дахлдор? Ҳамма соҳага. Албатта, бир одам ҳамма соҳани тўлиқ билмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам парламентда турли жабҳаларнинг вакиллари биргаликда фаолият кўрсатишади.

Қонун ёзишни, яъни аниқроғи, яратишни уддалаш учун фақат ҳуқуқшунос малакаси кифоя қилмайди. Масалан, далада ишлаётган фермернинг жамиятга, Ватан тараққиётига нафини кўпайтириш учун барча омилларни ҳаракатга келтиришни тақозо этувчи қонун керак. Шундай қонунни ижод қиладиган депутат эса, фермернинг ётиш-туришини, орзу-ҳаваларини, имкониятлари ва эҳтиёжларини яхши билиши шарт. Айни пайтда муайян соҳада қонун яратиш вазифаси қўйилганда ўша масала дунё мамлакатлари қонунчилигида қандай ҳал қилинганини ўрганиш, бунда ўзимизга қайси жиҳатларини қабул қилиш, қай ҳолларда миллий менталитетимиздан келиб чиқиш лозимлигини тўғри белгилаш муҳимдир.

Бу фикрлардан кимдир «Демак, депутат қомусий илм соҳиби бўлиши керак экан-да» деган

Сайловчи орзуси

хулосага бориши мумкин. Йўқ, депутат ҳам шу жамият фарзанди, ундан ғайритабиий даҳолик кутиш ҳам хаёлпарастликдир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, номзодлар, номзодликка даъвогарлар орасида тор манфаатларни кўзлаб иш кўраётганлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳол муайян минтақага эмас, одам боласига хос одат бўлиб, дунёнинг бошқа жойларида ҳам учрайди. Кимдир депутатнинг дахлсизлигини ўзига қалқон қилишни ўйласа, бошқа биров олий давлат ҳокимиятида иштирок этиш орқали популистик ниятларига эришишни мақсад қилиши мумкин. Ўзбекистонга эса Ватан учун фидойи, ўз салоҳиятини аямай сарфлайдиган депутат керак. Шундай парламент аъзоси сайланишидан, аввало сиз ва биз, яъни халқнинг ўзи манфаатдор.

Шу нарса аниқки, халқимиз ичида юқоридаги талабларга жавоб берувчи ҳамюртларимиз жуда кўп. Биз уларнинг энг асил вакиллари депутатлар сафидан ўрин олишлари учун фақат ва фақат ҳалол, одилона, эркин фикрни ўзимизга дастур қилиб олишимиз зарур. Айтайлик, номзодларни тўғри танлаш учун улар билан яқиндан танишишга амалдаги қонунчилик ҳам, мавжуд воқелик ҳам жуда қулай имкониятлар беради. Афсуски, маълум қатлам сайловчилар шу даврда лоқайдлик, ҳафсаласизлик туфайли номзодларни ўрганишга рағбат билдиришмайди. Оқибатда сайлов яқинлашганда бировлардан эшитган гапларга асосланиб хулоса қиладилар.

Таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, юртдошлик каби салбий иллатлар юксак мақсадларимиз олдида чекиниши лозим. Муқобил номзодлар ўртасидаги рақобат шароитида чиройли қобиқларга ўралган, бир қарашда маҳлиё этувчи ваъдаларга ҳам алданмаслик муҳимдир. Сайловчи баландпарвоз гапларга учмаслиги, халқдан, шу заминдан қудрат олувчи номзодларни танлаши керак. Минг шукурки, бизда азалий қадриятларимиз, донишманд халқимиз ҳар қандай одамнинг гап-сўзини, хатти-ҳаракатини инсоф, диёнат, адолат мезонларида баҳолай олади. Халқ адашмайди!

Олий Мажлиснинг яна бир палатаси — Сенат таркиби бўлажак сайловлар натижасида шаклланадики, бунда ҳам парламент сифати, даражаси қандай бўлиши кўп жиҳатдан халқнинг муносабатига боғлиқ. Авваламбор, сенатор қандай бўлиши керак, деган масалага ойдинлик киритайлик. Сиёсатимиз оламида янгидан пайдо бўлаётган арбоб — сенатор кўпни кўрган, ўзида халқнинг зукколигини мужассамлаштирган, элюрт ичида нуфузи баланд, мўътабар инсонлар бўлиши лозим. Унинг зиммасига ҳаётимизни янада яхшилашга, юртимизни обод этишга имкон туғдирадиган қонунлар қабул қилинишида ҳал қилувчи вазифани бажариш масъулияти юклатилади. Маҳаллий кенгашларга сайланган, яъни халқнинг кўпчилик овозини олган депутатлар ичидан сенаторлар сайланади. Мамлакатимиздаги ўн тўртта ҳудуднинг ҳар биридан тенг миқдорда — олтитадан депутат сенаторликка танланади. Ана шунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар вакиллиги одилона таъминланади.

Сенаторнинг Қонунчилик палатаси депутатидан кўзга ташланадиган биринчи фарқи шундаки, у, асосан халқ ичида, яъни вилоят ва туманларда меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Сенат йиғилиши чақирилганда эса, Қонунчилик палатаси депутатлари ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини ҳар жиҳатдан, аввало, ҳаёт талабларидан келиб чиқиб фикр билдиради. Демак, шу босқичда қонунларимиз янада маромига етади, халқимизнинг олижаноб манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода 26 декабрда бўладиган сайловда маҳаллий кенгашларга тақдим этилган номзодларга овоз бериш чоғида уларнинг ҳар бирига сенаторликка қўйиладиган талабни мезон қилсак адашмаймиз. Пировардида биз юқори салоҳиятга эга маҳаллий кенгашлар шаклланишига ҳам эришамиз.

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси ва Сенат вужудга келгандан кейин яхлит олий давлат ҳокимиятига, яъни Олий Мажлисга эга бўламиз. Бу парламент ҳалол, эркин сайловларда шаклланади. Унинг мақсадини эса амалдаги қонунларимиз ва сайловлар арафасидаги учрашувларда халқимиз белгилаб беради. Халқ эса билиб гапиради!

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Мустақил юртнинг мустақил номзодлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

фаолият юритиши жараёнлари, сайловларнинг эркинлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, мазкур гуруҳлардан кўрсатилган номзоднинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг сайлов комиссиялари, давлат бошқаруви органлари ва сиёсий партиялар билан ўзаро алоқаси ҳамда бошқа қатор масалалар бўйича фикр юритдилар. Айниқса, уларнинг демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро меъёрлари, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги орасидаги муштараклик, сайловолди тарғиботи, ишончли вакиллар ва сайлов штабларининг фаолияти, сайловларни молиялаштириш, депутатликка номзод мақоминнинг бекор қилиниши ва номзодликни қайтариб олиш тартиби, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосини янада такомиллаштириш йўллари хусусидаги таклиф ва мулоҳазалари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда тадрижий равишда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни фуқароларнинг мамлакат Конституциясида белгиланган умумхалқ йўли билан, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз бериш ҳуқуқини янада мустаҳкамлади. 1998 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайловларда сайловчиларнинг барча даражадаги ташаббускор гуруҳлари иштирокини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, яъни сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди платформаларини ишлаб чиқишга, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва молиялаштиришга, сайлов командалари ва штабларини тузишга ёрдам берувчи, жумладан, катта обрў ва таъсир доирасига эга бўлган нодавлат-нотижорат ташкилот фаолият юритмоқда. Марказ бўлиб ўтаётган сайлов кампаниясида фаол қатнашмоқда.

Бугунга келиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари учун сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан номзод кўрсатиш ўз ниҳоясига етди. Улар орасида таниқли ижодкор-зиёлилар, жамоат арбоблари, аёллар, тадбиркорлар ва ҳуқуқшунослар мавжуд.

Ана шу суҳбатлар асносида анжуман иштирокчилари чет мамлакатлардаги сайлов тизими хусусидаги объектив ва субъектив қарашлар, хорижий ташаббускор гуруҳ ва ишончли вакиллар институти тажрибалари, сабоқлари, мазкур гуруҳ ва оммавий ахборот воситалари хусусида ҳам маърузалар тингладилар. Жумладан, Париж шаҳри 11 район мэрининг ўринбосари, француз жамоатчилик уюшмасининг бош котиби Анна Бранди, Буюк Британия ҳарбий академияси конфликтология марказининг етакчи эксперти Генри Платтер, АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А. Раҳмоновнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Баҳс-мунозара жараёнларида юқоридаги мавзулар янада кенгроқ очиб берилди. Хуллас, мустақил мамлакатимиз сайлов тизимидаги янгиланишлар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидаги залворли саъй-ҳаракатлар бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Чунки, хорижий мутахассислар таъкидлаганидек, сайловга тайёргарлик, ушбу сиёсий кампания олдидан ўтказилаётган барча тадбирлар халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла мос келади ва демократик тизимнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Анжуман сўнгида Ўзбекистондаги сайлов қонунчилигининг амалда қўлланилишини янада такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Эсиргап БОЛИЕВ.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).

Ўзбекистон Фанлар академиясида "Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, таҳлил ва информатиканинг турдош муаммолари" мавзуида халқаро илмий анжуман бошланди. Тадбир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институти ҳамда қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан ҳам олимлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С.Лутфуллаев бошқарган анжуманда ҳар бир давлатнинг куч-қудрати кўп жиҳатдан унинг фан-техникаси, илмий салоҳияти қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Даврнинг жадал тараққиётини математикасиз, ундаги чуқур фундаментал илмий ишланмаларсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, фаннинг турли йўналишлардаги истиқболини белгилашда, илмий жараёнларнинг натижасини аввалдан башорат қилишда айнан математиканинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мамлакатимиз математик олимларининг изланишлари иқтисодиёт, механика, физика, техника, сейсмология каби кўплаб етакчи соҳаларда қўлланилаётгани эътиборга лойиқдир.

— Ўзбекистон математикларининг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар соҳасида яратган мактаби бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари тадқиқотчилари эътиборини ўзига жалб этмоқда, — деди россиялик академик М.Лаврентьев.

Уч кун давом этадиган анжуманда "Математик физика ва дифференциал операторларнинг спектрал назарияси", "Дифференциал ва интеграл тенгламаларнинг бошқарув назарияси", "Операторлик алгебраси ва математик таҳлил масалалари" каби фундаментал мавзуларда маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА).

"Туркистон" саройида мамлакатимиз педиатрларининг бешинчи съезди очилди. Унда мамлакатимиз олим ва мутахассислари билан бирга АҚШ, Россия, Англия, Ироқ ва Қозоғистондан келган вакиллар ҳам иштирок этаётир.

Болалар саломатлиги доимий эътиборда

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, улғайиб келаётган авлодни баркамол тарбиялаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишда ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли оналар ва болалар ўлими кескин камаймоқда.

Республикамиз аҳолисининг қарийб қирқ фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Эллик минг нафардан зиёд болалар шифокори, ўрта тиббиёт ходими, икки мингдан кўпроқ поликлиника, касалхона, умумий даволаш муассасалари бўлимлари, кўплаб спорт иншоотлари фаолияти болалар саломатлигини муҳофазалаш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, болалар спортини ривожлантириш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор замирида ҳам маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни камолга етказиш мақсади мужассам.

Съездда педиатрлар малака ва маҳоратини янада ошириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишга бағишланган маърузалар тингланади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Ўзбек мармари — дунё нигоҳида

«Нуротамармар» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 2000 йил март ойида Испаниядаги BID (Бизнес инициатив дирекшенс) ташкилоти томонидан Париж шаҳрида ўтказилган Халқаро сифат ва тадбиркорлик конвенциясида иштирок этиб, 280 мамлакат аъзо бўлган «АРКО ЕВРОПА» ташкилотининг олтин юлдуз совринни ва халқаро сифат сертификати билан тақдирланди. Шу йил июнь ойида эса АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида яна шу ташкилотнинг XVIII Халқаро Сифат саммити бўлиб ўтди. Бу тадбирда ҳам «Нуротамармар» корхонаси иштирок этди ва платина мукофоти ва халқаро сифат сертификати билан тақдирланди.

С. УМАРОВ.

СУРАТДА: мармар заводи директори Улуғбек Фозилов совринни қабул қилиб олмоқда.

Панадан отилган тошлар

Бир кишидан минг шикоят

«Қишлоғимизда бир шикоятчи бор. Баъзилар уни исмидан кўра, «ёзувчи» деб чақиришни афзал кўради. Нафақат қишлоғимиздан, балки туман, вилоятдаги кўпчилик раҳбарлар ҳам бу «ёзувчи»дан бир оз ҳайиқишади. Агар у бирор идорага борса, раҳбарлар типирчилаб, дарҳол унинг қошига пешвоз чиқадилар. Чунки у кимсан «ёзувчи»! «Ижоди» жуда кенг қўламли. Бормаган эшиги, бурнини суқмаган соҳаси йўқ. Мабодо унга биров ёқмай қолса ёки илтимосини бажармаса, тамом! Ўша одамнинг устидан юқори ташкилотларга ёзаверади, ёзаверади. Ҳар бир хат орқасидан текширувчи ўша идора эшигини қоқиб келавериб, безор қилиб юборади. Охир-оқибат раҳбарнинг соғлиги ёмонлашгани учун ё ўзи бўшайди ёки битта-яримта камчилиги топилиб бўшатилади.

Ҳозир «ёзувчи»нинг ёши анчага бориб қолган. Айтишларича, саккизинчи синфни зўрға битирган экан. У юмалоқ хат ёзишни касб қила бошлаганда, собиқ иттифоқ даври эди.

У ёзган «асар»ларнинг сон-саноғи йўқ. Кимнингдир ўрни бировга керак бўлиб қолса, дарҳол ўша «ёзувчи»га мурожаат қилади. «Ёзувчи» қаҳрамонига айланажак раҳбарнинг «қилмиш»ларини топишга кўмаклашади. Қарабсизки, «асар» тайёр бўлиб, тегишли идорага йўлланса бас. Раҳбар кетди, деяверинг. Унинг хатида раҳбарнинг барча «кирдикорлари» очиб ташланади: «Жамоада ишчанлик муҳитини бузди...», «У кўпчиликнинг саломига алик олмайди...», «Қўл остидагиларга беписанд қарайди...» Ҳатто, бу фактларга жиноий тус ҳам бериш мумкин.

Бир сафар у туманга янги келган раҳбар билан келишмай қолибди. Ҳоким ҳам у кишининг раъйига қарамабди. Ҳурматэътиборини жойига қўймабди. Ҳа, сенимми, деб яна ёз-ёз бошлабди. Битта шикоят ёзса, у ўнлаб нусхаларга кўпайтириб, юқори идораларга, газеталарга жўнатар экан. Энди бир хат орқасидан нечта текширувчи келиб-кетишини тасаввур қилаверинг.

Тортишувлар узоқ давом этибди. Бунинг охири норасмий келишув билан якун топибди. Ҳоким «ёзувчи»нинг раъйига қарайдиган бўпти».

Танишимнинг бу ҳикояси қанчалик ҳақиқатга тўғрилигини билмадиму, бироқ айнан бир киши имзоси билан таҳририятга бир ойда ўнлаб шикоят хатлари келаётгани рост. Барча шикоят хатларининг бир киши номидан келиши ниятнинг самимий эканлигига шубҳа уйғотади.

Ёз-ёз учун жарима

Таҳририятимизга келаётган мактублар орасида турли хил таклиф ва мулоҳазалар билан бирга, анчагина шикоятлар ҳам бор. Уларда асосан аҳоли газ, электр таъминотидаги камчиликлар, жойлардаги раҳбарларнинг тўраларча муносабати ҳақида ёзишади. Биз бу шикоятларни текшириб, чора кўриш учун жойларга юборганимизда айримлари ўз тасдиғини топмаяпти. Масалан, Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидан фуқаролар М. Дўсов ва Р. Алламуродовлар тумандаги "Кокайда" пахта тайёрлаш пунктида ошна-оғайнигарчилик авж олгани, техникумни тугатишган бўлса-да, ишчи бўлиб ишлашаётгани ҳақида ёзганди. Хат текшириш учун жўнатилди. "Сурхондарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқарув раиси М. Расулов имзоси билан келган жавоб хатида шикоят тасдиқланмагани айтилган. Бундай мисоллар анчагина.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим фуқаролар шикоят ёзишни касбга айлантириб олишган. Энг ачинарлиси, уларнинг биронтаси ҳам ўз тасдиғини топмайди. Вилоятлардан бирида шундай "ёзувчи"лардан бири истиқомат қилади. Унинг навбатдаги уч шикояти тасдиқлан-

Мулоҳаза

магач, биз ўша вилоятдаги мухбиримизга у билан учрашиб гаплашишини, нега бунақа туҳматдан иборат хатлар ёзишининг сабабини ўрганишни сўрадик. Мухбиримизнинг айтишича, бориб "ёзувчи" билан учрашган. У эса "Энди сен етмай турувдинг, менга ақл ўргатмаган. Мен ёзавераман, қўлларингдан келганини қилларинг", деб жавоб берибди.

Баъзан ўйланиб қоласан киши. Қачонгача бундай одамларнинг шикоятлари текширилиб, минглаб одамларнинг вақтлари бекорга кетади. Хатларни текшириш учун кетган умумий зарарни ким тўлайди?

Яқинда Қашқадарёга хизмат сафарига борганимда, қизиқ бир воқеани айтиб беришди. Бундан бир муддат олдин "Косондон" масъулияти чекланган жамият раиси ишдан бўшатилиб, ўрнига Келдиёр Хўжаёров деган янги раҳбар келади. Шундан сўнг юқори идораларга ёз-ёз бошланади. Кетма-кет текширувлар, доимий тафтишлар одамларнинг қўлини ишдан совутиб, икир-чикирларга ўралаштириб қўяди.

Ноўрин шикоятлардан безор бўлган К. Хўжаёров судга мурожаат қилибди. Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати 2004 йил 6 апрелда қуйидагича ажрим чиқарибди: "...Исломов Наби ва Исломов Ғофурлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори, Миллий хавфсизлик хизмати, адлия вазири, Қашқадарё вилояти ҳокими, вилоят ички ишлар бошқармаси, Косон туман прокурори ва бошқа мансабдор шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар номига йўлланган шикоят аризаларидаги "Косон дон" акционерлик бошқаруви раиси Хўжаёров К. томонидан "қўшиб ёзиш", "содир этилган ўғирликлар оқибатида камомад чиққанлиги..." "омухта емга қум қўшганлиги... " мазмунидаги маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва даъвогар Хўжаёров К.нинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар деб топилсин.

Жавобгар Исломов Набидан даъвогар Хўжаёров К. фойдасига 300 000 сўм, жавобгар Исломов Ғофурдан 400 000 сўм маънавий зарар учун товон пули ундирилсин..."

Тўғриси, яқин орада судлар бундай ажрим чиқарганини кўрмагандим. Аслида кўпгина текширув идоралари шикоятчини ҳақ деб топишга ўрганиб қолишган. Бу сафар эса...

Мукофотга муносиб эмас...

Тоҳир Маликнинг «Мурдалар гапирмайдилар» асарида бир эпизод бор. Собиқ иттифоқ даврида бир ўзбек олими ҳарбий соҳада катта кашфиёт яратади. Хуллас, Москвадан ўзбек кашфиётчисининг ишини ўша даврда давлат мукофотига тавсия қилишади. Шунда Ўзбекистондан «Бу олим мукофотга муносиб эмас!», «Унинг иккита хотини бор!», «У коммунист эмас...» каби норозилик хатлари Москвага ёпирилади. Бу шикоятчиларнинг барчаси унинг атрофидаги олимлар, вақтида ўзи қўллаб-қувватлаган ҳамкасблари эди. Шундай қилиб ўзбек олимига ўз юртидан келган юмалоқ хатлар туфайли давлат мукофоти берилмайди. Бироқ у билан бир пайтда грузиялик олимнинг иши ҳам мукофотга тавсия этилади. Илмий ишнинг аҳамияти унчалик катта бўлмагани боис иккиланиб туришганда, Грузиядан олимни қўллаб-қувватловчи хатлар оқиб кела бошлайди. Уни барча ҳамкасблари дадил туриб ҳимоя қилишади. Охир-оқибат мукофотни грузиялик олим олиб кетади.

Собиқ шўролар тузуми даврида «ёзувчи»лар орқали қанчадан қанча ўзбек зиёлилари қатағонга учради. Бу бизга етарли сабоқ бўлиши керак.

Бундан ҳам ачинарлиси, «ёзувчилик» ижтимоий муаммога айланиб бормоқда. Ноҳақ шикоят ёзилади. Қарабсизки, калтак раҳбар бошида синади. Шикоятчи эса бир четда томошабин бўлиб тураверади. Унга ҳеч қандай чора кўрилмайди. Биз уни кечириб кетаверамиз.

Мамлакат ривожига, миллат жипслигига халақит қилаётган юқоридаги каби иллатларнинг илдиз отишига маълум маънода ўзимиз сабабчимиз. Яхши билан ёмонни, оқ билан қорани фарқлай билмаслик бизни шу ҳолатга тушириб қўйди. Назаримда, бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрадиган, мушоҳада юритадиган, керак бўлса, баҳслашадиган пайт келди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Меҳмондўстлик, мулойимлик, мулозамат кўрсатиш — халқимизнинг ўзига хос фазилатидир. Нафақат меҳмонларга нисбатан, балки одамлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларда ҳам қўполлик қилиш, ёмонлик тилаш, таҳқирлаш камдан-кам ҳолларда рўй беради. Юртимизга бошқа жойлардан келган меҳмонлар ўзбекнинг сўзлаш оҳангида, ҳаракатида, кундалик муносабатида самимият борлигини алоҳида таъкидлашади, бунда эзгулик ва одоб кўриниб туради. Буларнинг бари табиий хусусиятлар.

Инсонга нисбатан мурувват туйғулари намоён бўлаётган янги даврнинг навбатдаги боблари ёзилаётган, меҳр-оқибат туйғуси давлат сиёсати сифатида ифодаланаётган замонда ҳар биримиз ўзимизга «Хўш, мен бу борада нима иш қилдим? Эзгу юмушларга қандай ҳисса қўшдим?» деб сўрашимиз керак. Унга жавоб беришда эса номигагина эмас, виждон ҳукмига қулоқ солишимиз лозим. Ахир яхши амаллар пул билан, моддий мезонлар билан ўлчанмайди-ку.

— Меҳр ва мурувват йили жуда катта тадбирлар мажмуини ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади, — дейди Навоий вилояти ҳокими Бахриддин Рўзиев. — Ҳа, биз бугунги кунда муҳтож қатламнинг ҳаммасига моддий мадад бераяпмиз, лекин ишнинг фақат шу жиҳати билан ўралашиб қолмаслигимиз керак. Меҳр ва мурувват — жуда теран фалсафий тушунчалардир. Бунда аввало одамлар ўртасидаги самимий муносабат ётади. Шу маънода мурувват кўрсатиш бир марта амалга ошириладиган тадбир эмас, балки давлатимиз ижтимоий сиёсатининг мантиқий давомидир. Бу дастур кўп йилларга мўлжалланган. Ҳозирча биз ҳаммасини кўнгилдагидек бажараяпмиз дея олмаймиз, ҳар бир инсон қалбига йўл топа олмаган бўлишимиз мумкин. Ўйлайманки, биз ана шу мақсад сари муттасил интилишимиз лозим.

Эзгулик сарчашмалари

Бу жойларда қадим-қадим замонларда муҳим савдо йўли — Хитойдан Ўрта ер денгизи ва Европа томон ястанган Буюк Ипак йўли ўтган. Ҳиндистонни Мағриб ва Шимол билан бошқа йўл боғлаган.

Шундай ривоят бор: Алишер Навоий ёшлик чоғларида Ҳиротдан Самарқандга ўқишга йўл олган. Карвон ўша машҳур Ипак йўлидан ўтган. Сафарнинг бир неча кунидан сўнг бу карвон чўли Малик (Кармана)даги кўҳна қалъалар харобаси олдига келган. Бу қўналғанинг тарихи билан қизиққан йигитча қалъани истилочилар вайронага айлантирганлигини тушуниб «Халқ ва унинг бунёдкор қўллари абадийдир! Бу ерда қудратли, бузилмас янги қалъалар қад ростлагайдур...» дея хитоб қилган. Дарҳақиқат, Қизилқумнинг чексиз кенгликлари узра бир нечта «қалъа» гуллаб-яшнамоқда. Навоий шаҳри ва шу ном билан аталадиган вилоятнинг кўплаб масканлари йилдан-йилга кенгайиб, кўркамлик касб этмоқда. Илгари қақраб ётган замин устида бир қанча воҳалар жамол кўргазмоқда. Шулардан бири томчилатиб суғориш усулида вужудга келган Нуротадаги 18 гектарлик боғдир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Элюрт ҳурмати» ордени нишондори, қоракўл қўйларининг «Олмос» ва «Зармалла» зотлари муаллифи Зайниддин Омонов «Нурота» ширкат хўжалигига раҳбарлик қилаётганига тўрт йил бўлди. «Нурота» наслчилик заводи барпо этилишида унинг хизматлари каттадир. Қизилқум яйловларида қилинган меҳнат, бой тажриба ва билим уни шу заминнинг ҳақиқий хўжайинига айлантирди. Зайниддин Омонов раҳбарлигида хўжалик иқтисодиёти чинакам янги поғонага кўтарилди, чорвачиликдаги кўрсаткичлар юксакликка ўрлади. Лекин раҳбарнинг ҳаётдаги интилиши фақат наслчилик билан чеклангани йўқ. Айни пайтда у экин майдонларини кенгайтирди, пиллачилик, асаларичилик, паррандачилик тармоқларини ривожлантирди. Хўжаликда янги иш ўринлари очиш мақсадида тикувчилик, гиламдўзлик, макарон, пойабзал цехлари ташкил этилди, маиший техника устахонаси, новвойхона, сартарошхона, шифохона, тўртта қишлоқ врачлик пункти вужудга келтирилди.

Ижтимоий масалалар, хайрия фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, жорий йилда бу ерда 40 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган болалар спорт маркази қурилиши бошланди. 32-мактабни мукаммал таъмирлашга йўналтирилган маблағ хўжалик ва ҳомийлар ҳисобидан бўлди. Худди шу йўл билан 9 та мактабга 987 минг сўмлик дарслик олиб берилди. 87 нафар киши 1,1 миллион сўм ҳажмида моддий ёрдам олди. Хўжалик спорт тадбирларига, шу жумладан, туман миқёсида ўтказилган мусобақаларга 5,7 миллион сўм маблағ ўтказди. Саховатли қалб соҳиби З. Омонов ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир кишига доимо мадад қўлини чўзиб келади.

Сен етим эмассан

Мунаввар Пардаеванинг уйи Навоийдаги катта хонадонлардан бири ҳисобланади. Бу улкан рўзғорнинг ўзлари учун барпо этилган махсус стадиони ҳам бор. Агар бугун шу хонадон фарзандлари ва невара-чевараларини бир жойга тўпласа, уларнинг олдидаги дастурхон ҳовлига сиғмасди.

Бурноғи йили болалар сони 48 та эди, лекин вақт шиддат билан ўтади! Бу ошиёнда камол топган 10 нафар палапон аллақачон ўз оиласига эга, кимдир ўқийди, яна бирови бошқа шаҳарда яшайди... Бу ерда қолганлар сони 31 та — бутун меҳрини шу заминга беришган.

Бу насабни вилоятда ҳамма билади. Мунавварнинг бобоси Мирзо бобо машъум уруш йилларида бир неча етимларга ўз уйидан бошпана берган. Ўзининг беш нафар фарзандлари қаторида яна тўртта етимни — жумладан, Раҳмон Пардаевни оқ ювиб-оқ тараган. Бугунги кунда Хатирчи туманидаги ўрта мактаб Раҳмон Пардаев номи билан аталади.

Мунаввар ая касбига кўра журналист, вилоят газеталарида ишлади, турмуш ўртоғи билан тўрт нафар ўғилни вояга етказди. Қалбининг туб-тубида қиз кўриш орзуси жўш урарди. Бир неча йил муқаддам фалокат рўй бериб, ногирон бўлиб қолди, таҳририятда ишлаш имкони йўқ энди.

— Бола тарбияси билан андармон бўлганимда мендаги касаллик чекинди, — деб ҳикоя қилади у. — Аввалига эрим хайрихоҳ бўлмади, кейинчалик индамай қўйди. Ҳозир эса у менга яқин ёрдамчи.

Шундай типдаги оилавий болалар уйи пайдо бўлганига кўп вақт ўтгани йўқ, лекин шу қисқа муддатда қанчадан-қанча нораса гўдакларнинг қалби ҳароратдан тафт олди, ота-оналар, ака-ука ва опа-сингиллар меҳрига қонди! Исми-жисмига муносиб Мунаввар бу болаларга ўзлигини бағишлади. Турли миллатларга мансуб 6 нафар болакай унинг оёқлари остида ўралашади. Этакларидан тортади. Бу меҳрибон аёл «Хўп-хўп болам, кўряпсан-ку, бизникига меҳмон келди» дейди.

Мунаввар нафақат соғлом болаларни, балки бемор гўдакларни ҳам ўз қарамоғига қабул қилади. У Самарқанддаги болалар уйидан келтирилган юролмайдиган қизалоқни бир неча йил парваришлади. Энди ўша қизча сакраб-сакраб ўсмоқда.

— Яқинда турмушга берган қизим меҳмонга келди, — дейди Мунаввар. — Ўсган хонадони-да, қаттиқ соғинади. Биз ҳам уни кўргимиз келади. Лекин бу, ҳаёт. Энг муҳими, барча болаларим соғ ва омон бўлишсин, қолгани жой-жойига тушиб кетаверади.

Қутлуғ уйдан қуруқ кетманг

Карманадаги «Дўрмон» қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудида яшовчи Пирназар Турдиев темирчилар сулоласидан. У йигирма ёшида шу ердан урушга кетганди. Ўт-олов кечган Пирназар Сталинград жангида қатнашди, Белоруссияни озод этишда иштирок этди, Эльба дарёси соҳилида америкалик иттифоқчилар билан учрашди. Бир неча бор яраланди, I гуруҳ ногирони Берлиндан юртига ғалаба билан қайтди.

Меҳнат қилди, фарзандлар ўстирди, ўз рўзғорини юритди. Бугун у 85 ёшга кирди, кампиридан жудо бўлди, ўғиллари ва набиралари билан бирга яшайди. У ишсиз ўтиролмайди, эгарчилик билан шуғулланди.

— Ҳаёт қандай кечяпти, ота? — сўраймиз.

— Яхши, — мийиғида кулади оқсоқол. — Ҳамма нарса бор, муҳтожлик жойимиз йўқ, дурустгина пенсия оламиз, яқинда санаторийга йўлланма беришди. Худога шукур қилишимиз керак.

У ясаётган эгарга қизиқиб қараймиз.

— Сотмоқчимисиз?

— Ҳа, насибага яраша бўлар-да.

Кўпни кўрган оқсоқол анчайин камгап, лекин унинг юзида ҳамиша табассум балқиб туради. Биз билан хайрлашаётган дамларда «Қутлуғ уйдан қуруқ кетмайдилар» — дея ҳовлисида ўстирган чўғдай анорларни тортиқ қилди.

— Олинглар, ош бўлсин, — деди отахон самимий оҳангда.

Рақамлар сўзлаганда

- ***Вилоятда 9 ой мобайнида «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижроси учун 15,5 миллиард сўм маблағ сарфланди, унинг 8,1 миллиард сўми бюджет ҳисобидан, 7,1 миллиард сўми ҳомийлар маблағидир.***
- ***«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти умумий миқдори 61,3 миллион сўмлик маблағни Меҳрибонлик уйлари учун савобли тадбирларга бағишлади.***
- ***Навоий кон-металлургия комбинати ёрдамга муҳтож, кам таъминланган пенсионерларга ажратган маблағ 37,2 миллион сўмни ташкил этди.***
- ***Зарафшон шаҳрида ўн иккита мактабни таъмирлашга 220 миллион сўм сарфланди, унинг асосий қисми ҳомийлар ҳисобидандир.***
- ***«Нурота» ширкат хўжалигида боқувчисини йўқотган хонадонларга 978000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.***
- ***Умуман, вилоят бўйича ҳомийлар ҳиммати туфайли пенсионерлар ва ногиронларга, қарамоғида вояга етмаган ногиронлар бўлган оилаларга, шунингдек, кам таъминланган хонадонларга жами 90 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди.***

Беминнат ҳиммат

Вилоят ҳокимлигидаги мутасаддиларнинг айтишларича, Навоийда ҳомийлик ҳаракати жадал ривожланмоқда. Чунончи, Навбаҳор туманидаги «Чаман» фирмаси директори ўз ташаббуси билан қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатадиган 50 та иш ўрни очди. «Зилола» фирмаси раҳбари Рустам Саломов «Ванғози» қишлоғида мактаб қурди. Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Кармана туманида «Маҳалла» жамғармаси бўлими саъй-ҳаракати билан «Энг мурувватли тадбиркор» танлови ўтказилди. Унда 37 та маҳалла вакиллари қатнашдилар. Танловда ғолиб келган «Уйрат» маҳалласи тадбиркори Ориф Каримов вилоят кўрик-танловида қатнашди. У шу йилнинг ўзида 2 миллион сўмликдан кўп хайрия ёрдами кўрсатди. Унинг сармояси билан «Урганжи» қишлоғида 1,5 километрлик сув қувури ётқизилди, кўчалар асфальтланди, К. Раҳимов номли ширкат хўжалигидаги қишлоқ врачлик пунктида таъмирлаш ўтказилди, тиббий жиҳозлар харид қилинди. Унинг саховати учун Янгиобод маҳалласи, Абу Али Ибн Сино номидаги 10-ўрта мактаб раҳбарияти расмий ташаккурнома билдирди.

Яйловга нур келди

Кончилар ва металлургларнинг Томди туманидаги чорвадорларга оталиқ ёрдам кўрсатишлари кўпдан буён анъанага айланган. 60-йилларнинг охирларида рўй берган қаҳратон қиш комбинатнинг Марказий кон бошқармаси жамоасини қалин қор босган яйловга йўллади. Ўшанда ҳар қандай шароитда ҳам юра оладиган машиналар чорвадорларга озиқ-овқат, молларга емиш етказиб берганди.

Оталиқдагилар ҳар йили Томдидаги кам таъминланган оилаларга ун, касалхона ва мактабларни ёқилғи билан таъминлашади, спорт ўйинларига жиҳозлардан ёрдам беришади.

Ўтган йил охирроғида эса «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони, Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбой Сагатов олис «Пирша»да жойлашган фермага электр келтиришда ёрдам сўради. Бу ерда 50 дан зиёд оила яшайди. Кўп ўтмасдан ферма қўрғонида қудратли дизель электр станцияси ўрнатилди. Бугун Қизилқумнинг энг чекка овулларида маҳаллий аҳоли маиший техника воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Тиббий пункт аҳоли хизматида, ўқитувчилар болалар билан дарсдан ташқари пайтларда шуғулланишларига имконият яратилди. Миннатдор томдиликлар кончи ва металлурглар ҳар қандай шароитда ҳам мурувват қўлини чўзишларини яхши билишади. Шу боис улар кўп байрамларни биргга ўтказишади.

«Мен таъзим қиламан»

Навоий вилоятида пенсионерлар, ёлғиз ва ёши ўтиб қолган кишилар, ногиронлар қатлами аввалдан ҳам маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар ардоғида яшашади. Лекин бу йилнинг руҳи, табиати ана шу ғамхўрликка янги саҳифалар ато этди.

Чунончи вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари шу пайтгача қўшимча ёрдам билан таъминланмаган ёлғиз пенсионер ва ногиронларни аниқлади. Эндиликда улар барча турдаги ижтимоий ҳимоя неъматларидан баҳраманд.

Бугунги кунда шу тоифа фуқаролари алоҳида эътиборда. Уларни тўлиқ шифокор назоратидан ўтказиш, зарурларига тиббий ёрдам кўрсатиш, сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланма бериш тадбирлари жорий этилмоқда. Булардан ташқари, ҳамма ёлғиз пенсионерлар ўзлари ишлаб кетган ташкилотларга бириктирилган, улар ой сайин тўққиз номдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланади. Ижтимоий таъминот хизмати ходимлари уларнинг уйларида бўлишиб, хонадонларни йиғиштириш, бозор қилиш ва бошқа маиший ёрдамни кўрсатишади. Масалан, «Қизилқумцемент» корхонасида пенсионер ва ногиронларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 1,5 баровари миқдорида қўшимча пенсия тўланади, уй-жойларни таъмирлашда, озиқ-овқат таъминотида ёрдам кўрсатилади. Навоий тоғ-металлургия комбинати корхона фахрийлари ва ногиронларига коммунал хизматлар тўловлари бўйича 50 фоизлик чегирмани жорий этган. Фахрийлар барча тантаналар, маърифий-маданий тадбирлар, катта спорт байрамларида энг эъзозли меҳмон саналишади. Уларнинг аксариятига бепул обуна ташкил қилинган, маҳаллий кутубхоналар хизмат қилади. Шунинг учун ҳам вилоят газетасида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: *«Навоий шаҳар ижтимоий таъминот идорасининг мурувватли ходимаси Малика Остоновага эзгу ва савобли ишлари учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. У ҳафтада икки марта эмас, балки вақт топган бошқа пайтларда ҳам 72 ёшга кирган мендек қариянинг ҳолидан хабар олиб туради. Чин юракдан гаплашади. Одамнинг тафтини одам олади. Шундай мурувватли инсонларга таъзим қиламан. Фаина Пахомова.»*

«Болам сизларни алдамаяпти»

Навоийлик ўн икки яшар Ася Конакованинг ҳаётида фалокат рўй берди — қизалоқни машина уриб кетди. Агар ҳомийлар ёрдами бўлмаганда унинг жароҳат олган боши янада оғир оқибатлар келтириши мумкин эди. Уларнинг ҳиммати туфайли Ася икки марта Москвада операцияни бошдан кечирди ва оёққа тура бошлади. Бир куни Людмила Ивановна қизини кўргани келганда уни қаттиқ ҳаяжон устида кўрди.

— Ойижон, мен алдамаётганимни уларга тушунтиринг, — дейди Ася ўз онасига. — Қандай қилиб бу ерга келганимни айтсам сираям ишонишмаяпти. Бунақа бўлиши мумкин эмас, дейишаяпти.

Қизининг аҳволидан ташвишга тушган Людмила Ивановна касалхона палатасига назар ташлади. Қўшни кроватда ётган Ася қатори икки қиз ҳамхонасининг сўзларига ишонмаслигини айтишди.

— Нимага ишонмаяпсизлар? — беихтиёр сўради аёл қизини бағрига босаркан.

— Қизингиз операция учун пулни ўзимиз тўламадик, меҳр ва мурувват сифатида ёрдам беришди, деб ишонтирмоқчи, — деди қизлардан бири Асяга қараб. — Бизни ишонади деб ўйлайди-да.

Людмила Ивановна енгил нафас олди:

— Болам сизларни алдамаяпти. Бизнинг барча харажатимизни Ватанимиздаги корхона кўтарди, ўзимизнинг қурбимиз етмасди.

Қизлар ишонқирамай сўз қотишди:

— Ҳечам шунақа бўлиши мумкинми?

— Мумкин, — ғурурланиб жавоб қилди Людмила Ивановна. — Ўзбекистонда мумкин!

— Ана, сизлар бўлса гапимга ишонмагандиларинг, — дея шодон чапак чалди Ася.

Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб Ольга КАЛИНИНА ва Рашид ГАЛИЕВ (суратлар) сафар қилишди.

2001 йил 9 октябрдан 10 октябрга ўтар кечаси Давлат санъат музейидан нақд 8 миллион 506 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланган дурдона расмлар ўғирлаб кетилганди. Улар орасида XVIII асрда яшаб ўтган Карл Брюлловнинг "Турк аёли", Василий Тропининг "Оболенский портрети", Иван Айвазовскийнинг "Даштда куннинг қайтиши", Иван Крамскойнинг "Қизил бантикли қиз портрети", Василий Сурковнинг "Камончи аёл" номли асарлари бўлган.

Ўғирланган дурдоналарнинг қайтиши

Ўғирлик худди детектив кинолардаги каби юз берди. Ўғри аввалига қирқ кун давомида эринмай барча музей ва қўриқлаш ходимларининг ҳар кунги келиб-кетиш вақтини, кундалик юмушларини ипидан игнасигача ўрганиб чиқади. Сўнг, томошабин сифатида музейни айланаркан, ўғирланажак расмларни кўз остига олади. Ҳатто бир неча кун аввал қўшни муассаса биносининг еттинчи қаватига чиқиб, хоналардан бирига киради. "Ўртоғим келиши керак эди, ойнадан қарасам бўладими?" деган баҳона билан бемалол музей-томининг тузилишини ўрганиб чиқади. Қаердан кириш, чиқиш йўлларини тахмин қилади. Хонадаги ўнга яқин кишининг эса, парвойи фалак эди. Аниқроғи бепарволик, лоқайдлик уйқусида эдилар.

Ниҳоят... У айнан ёмғир ёғаётган куни ўз режасини амалга оширади. Тун ярмида ўғри музей томига чиқиб мўлжалланган туйнуклар орқали кўргазма залига тушади. Олдиндан тайёрланган асбоб-ускуналар ёрдамида керакли ,қимматбаҳо нодир асарларни бамайлихотир девордан ечиб олади. Аммо чиқаётиб яна бир асар унинг диққатини торгидек иш бошланган маҳал, ўғри беркинган жойидан чиқиб, дурдона асарлар билан бирга музейни тарк этади.

Жаҳон музейлари тарихида бунга ўхшаш катта

тади. Уни ҳам девордан олаётиб қўлидан тушириб юборади. Шовқинни эшитган қўриқчилар кўргазмалар залига келади. Улар на яширинган ўғрини, на бир неча картинанинг жойида йўқлигини сезмайдилар. Ўғри расмларни тахлаб, музей хоналаридан бирига яширинади.

Эрталаб музейда ҳар кун-ўғирликлар кўп бора рўй берган. Уларнинг тафсилотлари билан танишиб, ғалати бир ҳолатга тушасиз: бундай ҳолларда ё расм, ё ўғри топилмаган. Лекин бу сафар бундай бўлмади. Республика Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги ходимларининг саъй-ҳаракати билан уч ой ичида мазкур жиноий иш очилди. Маҳорат билан олиб борилган текширув ишлари натижасида воқеага ойдинлик киритилди.

Куни кеча Давлат санъат музейида ана шу бебаҳо санъат асарларининг муассасага қайтарилгани муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Муассасамиз жаҳонга машҳур ўнта музейлар сафига киради, — деди музей директори Н. Иброҳимова. — Бизда сақланаётган санъат дурдоналарини кўпчилик музейлар ҳавас қилишади. Бу асарлар билан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин. Аммо ўша пайтларда хавфсизликни таъминлаш учун ишончли ҳимоя яратилмаганлиги оқибатида шундай хунук ҳолат содир бўлди. Ҳаммасининг заминида оддийгина нарса — бепарволик, совуққонлик ётади. Шу юртнинг ҳар бир гиёҳи ўзимизники экан, уларни авайлаб-асрашга ҳам ўзимиз жавобгар бўлишимиз керак.

Саид АНВАР,
"Халқ сўзи" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Гулжаҳоннинг "Гулдаста"си

Таниқли қорақалпоқ адибаси Гулжаҳон Зоитова ўзининг "Армонли дунё" деб аталган асарини китобхонларга тақдим этди. Тошкентдаги "Наврўз" нашриётида чоп этилган ушбу асардан адибанинг қорақалпоқ аёлининг қалб кечинмалари, орзу-ўйлари, ҳаёт қувончлари ва ташвишлари акс эттирилган энг сара ҳикоялари ўрин олган.

Я. ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

"Ўзбекистонда каратэ"

Спортнинг оммавий турига айланган каратэ сўнгги йилларда Хитой, Корея, Япония мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам мислсиз ривожланиб кетди.

Яқинда "Ўзбектелефильм" киноижодкорлари томонидан суратга олинган фильм ҳам спортнинг ушбу соҳасига бағишланиб, "Ўзбекистонда каратэ" деб номланади. Шойим Бўтаев, Темур Аҳмадхўжаев ва бир қатор ижодкорлар қаламига мансуб ушбу фильмда каратэчиларимизнинг қитъа, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, умуман нуфузли мусобақаларда қўлга киритган ғалабалари ҳақида ҳикоя қилинади.

М. ТОЖИЕВА.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги объектларни тайёр ҳолда қуриб топшириш бўйича
танлов савдоси эълон қилади:

I. Сирдарё вилояти қишлоқларини ичимлик суви билан таъминлаш

1. Гулистон тумани Уювли қишлоғи — 3,8 км.
2. Оқолтин тумани Мардон қишлоғи — 3,0 км.
3. Боёвут тумани У.Юсупов қишлоғи — 1,0 км.

II. Сирдарё вилояти қишлоқларини газлаштириш

1. Гулистон тумани Янги қишлоғи — 3,5 км.
2. Оқолтин тумани Найман қишлоғи — 5,0 км.
3. Ховос тумани Увоқ қишлоғи — 2,3 км.

Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги қурилишда ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: 27-63-85. Объектлар қурилиши марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: *ҳисоб рақамларида ёки захирада қурилиш материаллари, объект қийматининг камида 20 % айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган лицензия, меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.*

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8 3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60000 сўм.

Оферталар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати.

Ҳурматли пойтахтимиз аҳолиси !

«O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI» OAJ

«Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишидаги 50 ва 49-йўловчи поездлар вагонларида ишлаш учун 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ВАГОН ХИЗМАТЧИСИ ВАЗИФАСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Й.Охунбобоев к., 34-уй, 3-қават, «Сервис экспресс» бўлими. Телефон: 199-71-99.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

БОШҚАРМА БИНОСИНИНГ ТАШҚИ ФАСАДИНИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмани бажариш муддати — 2005 йил июнь.
Таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.***

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

(Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.)

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин Давлат мулки қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси биносида ўтказилади. Манзил: Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 3-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

2004-2005 ўқув йили учун танлов асосида номзодларни аспирантурага қабул қилади.

Эндокринология ихтисослиги (кундузги бўлим) — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: 700125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев к., 56-уй. Қабул комиссияси телефони: 162-27-02.

«UFHH BIZNES» масъулияти чекланган жамият устав фондини 62400000 сўмга камайтиради ва янги устав фонди 42100000 сўм бўлганлигини маълум қилади.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ВА ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Қўнғирот сода заводида доимий ишлаш учун қуйидаги мутахассисликларга эга бўлган фуқароларни ишга таклиф этади:

- электриклар (V-VI разрядли);
- механиклар;
- слесарлар (V-VI разрядли, кимё асбоблари билан боғлиқ);
- назорат-ўлчов асбоблари аппаратчилари (газ, электр қуввати, кимё асбоблари, компрессорлар);
- кимё қурилмалари ва ускуналари, насос ускуналари ва фильтрлари ҳамда қозонлар машинистлари;
- кимё-лаборантлар.

Ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Юқори разряд ва маълум меҳнат стажига эга бўлганлар биринчи навбатда қабул қилинадилар. Ишга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Нукус шаҳридаги телефонлар: (8-361) 222-71-53, 222-52-28, 222-52-21, 222-86-83. Манзил: Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 64-уй, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. Қўнғиротдаги телефонлар: (8-361) 312-38-36, 312-15-17, 312-18-18, 312-38-55, туман ҳокимияти.

Шунингдек, хоҳловчилар Қўнғирот сода заводи (Елобод қўрғони) маъмуриятига ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Ташкилий қўмита.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҚШ долларидаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари **йилига 5,6%гача** оширилади.

Энг кам қўйилма – 300 АҚШ доллари.
Энг кам сақлаш муддати – 3 ой.

Муддатлар — *қулай ва мақбул!*
Қанча кўп маблағ қўйилса, фоизлар ҳам шунча кўп бўлади!
Фоизлар фақат АҚШ долларида тўланади!

Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Мулоқот учун телефонлар: 135-56-09, 134-31-53.
www.nbu.com

Харидорлар ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари диққатига !

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50-сонли баённига биноан

шу йил 23-26 ноябрь кунлари Тошкент ш., Бобур кўчаси, 45-уйда

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзчармпойабзали», «Ўзбекипаги» уюшмалари, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ушбу тармоқлар, хусусий тадбиркорлар ва бошқа корхоналар ишлаб чиқарадиган кенг турдаги енгил саноат маҳсулотларига республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат !

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси.
Телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бабахановага онаси

Зебихон ая АҲМЕДОВанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета ІВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 12345